



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2002 йил 20 февраль, чоршанба

№14 (11.402)

Эркин нархда сотилади

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 19 февраль куни Оқсаройда АҚШ Қуролли Кучлари Штаб бошлиқлари бирлашган кўмитаси раиси Ричард Майерсни қабул қилди.

Сўнгги вақтларда Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги алоқалар ҳар томонлама мустақамланиб бораётди. Мамлакатимизга АҚШдан кўплаб делегациялар келиб-кетаяётгани бунинг бир тасдиғидир.

Ташрифингиз АҚШда Ўзбекистон билан ҳамкорликка қизиқиш кучайиб бораётганининг яна бир даллати деб биламиз, — деди давлатимиз раҳбари. — Ўйлаيمانки, икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари бундан-да ривож топиб бораверади.

Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги муносабатлар изчил кенгайиб бормоқда. Хозирга қадар икки мамлакат ўртасида турли соҳаларни қамраб олган қатор қўшма ҳужжатлар қабул қилинган. Ҳамкорлигимиз ривожий сиёсий, савдо-иқтисодий, шунингдек, ҳарбий соҳада ҳам яққол кўзга ташланади. Хусусан, ҳарбий таълим ва кадрлар тайёрлаш бўйича яхши ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ўзбекистонлик ҳарбийлар АҚШнинг ҳарбий ўқув юртиларида малака ошириб қайтмоқда. Икки мамлакат мудофаа вазириликлари ўртасидаги алоқалар самарали кечмоқда.

Оқсаройдаги мулоқот чоғида икки томонлама алоқалар ривожий, хусусан, ҳарбий соҳадаги ҳамкорлик истиқболлари билан боғлиқ, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шу куни Президент Ислам Каримов Литва Республикаси Бош вазири Алгирдас Бразаускасни ҳам қабул қилди. Давлатимиз раҳбари бу меҳмон билан ўзоқ йиллик қадрдон дўстдир. Ислам Каримов 1995 йили Литвага бориб, ўша кезлари президент лавозимини эгаллаб турган А. Бразауска билан кенг қамровли музокаралар ўтказган ва ўзаро муносабатларни ривожлантиришга ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қиладиган қатор ҳужжатларга имзо чеккан эди. 1997 йили А. Бразауска жавоб ташрифи билан Ўзбекистонда меҳмон бўлди.

Биз сизни ажойиб инсон сифатида ҳурмат қиламиз, — деди Ислам Каримов учрашувда. — Сиздек қатъиятли, вазмин, ўзига ишонган доно раҳбар билан учрашиб турганимдан гоёт мамнунман.

Ўзбекистон-Литва муносабатларининг йигирмадан зиёд ҳужжатларро ҳужжатдан иборат мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори бор. Иқтисодий, сиёсий, ижтимоий соҳаларда ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. Хусусан, мамлакатимизда ўттизга яқин Ўзбекистон-Литва қўшма корхонаси ишляпти. Ўзаро товар айирбашлаш ҳамжи ҳам йилдан йилга ортиб бормоқда.

А. Бразаусканинг ушбу ташрифи асосида ҳам бир неча икки томонлама ҳужжатларга имзо чекилди. Томонлар саноат, ички ишлар, фан-техника борасида ва маданий-маърифий соҳалар бўйича ҳамкорликни ривожлантиришга ташаббус қилишди. Икки мамлакатнинг миллий-маданий маркази ишлаб турибди. Айни пайтда эса Вильнюс ва Висагинас шаҳарларида Ўзбек маданияти маркази фаолият юритмоқда.

Учрашувда икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид масалалар муҳокама қилинди. (ЎЗА).

Янгийўл туманида Тошкент вилояти прокуратураси ташаббуси билан фермер хўжаликлари ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Йиғилишда тадбиркорлик фаолияти ҳамда қишлоқ хўжалиги билан бевосита

ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ — ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

боғлиқ бўлган вилоят бошқармалари раҳбарлари, вилоят ҳамда шаҳар ва туманларнинг прокурорлари ва вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан юздан зиёд хусусий тадбиркорлар, фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирок этдилар.

Семинарни Тошкент вилояти прокурори Фахри Раҳимов бошқарди.

Семинарда мамлакатимизда хусусий тадбиркорлик ва фермер хўжаликлари ишини ривожлантириш ва уларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ислохотлар, бу борада амалга оширилган ишларнинг бугунги кундаги самаралари, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг эркин фаолият юритишларида тўқсонлик қилаётган муаммо ва камчиликлар муҳокама қилинди. Ўз мухбиримиз.



Қуйичирчиқ туманида барпо этилган «Ўзбекистон» хусусий корхонаси жамоаси бир неча йилдан бери ўз маҳсулотларини истеъмол бозорига етказиб бормоқда. Тумандаги йирик тадбиркорлик тузилмаларидан бири бўлган бу савдо-ишлаб чиқариш корхонаси кўп тармоқлидир. Унда, асосан, салқин ичимликлар, музқаймоқлар тайёрланмоқда.

Бундай маҳсулотларга талаб тобора ошиб бораётти. Жамоа шунинг хисобига олиб, унинг ҳажми ва турларини кўпайтирмоқда. Шу кунларда корхонада саккиз хил маҳсулот ишлаб чиқариляпти. «Тархун», «Апельсини», «Олча» салқин ичимликлари, маъданли сувлар, шоколадли, мевали, пломбир ва бошқа музқаймоқлар шулар жумласига киради.

Ўз сафига йигирма нафар ишчи-хизматчини бирлаштирган корхона жамоаси ўтган хўжалик йилида самарали ишлади. Савдо шахобчаларига бир неча миллион сўмлик кенг истеъмол маҳсулотлари етказиб берилди. Қўрилган соф фойда 3 миллион сўмдан ҳам ошди. Жамоа жорий йилнинг дастлабки ойларида ҳам дуруст

ишламоқда. Барча буюртмаларни вақтида бажариб бормоқда. СУРАТЛАРДА: ишлаб чиқариш илгори Дилфуза Ризаева ичимликларни ишхоналарга қўйиш тизимларини бошқармоқда; корхона бош муҳандиси Фулом Ортиқов билан ишчи Рустам Атаманов тайёр маҳсулот сифати ҳақида суҳбатлашмоқдалар. Даврон АХМАД олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ Қурбон ҳайитни нишонлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Диний байрам — Қурбон ҳайитни дам олиш кунини деб эълон қилиш ҳақида» 1991 йил 20 июндаги 221-сон Фармони ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 2002 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи кунини 22 февралга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идораси мурожаатини эътиборга олиб, 2002 йил 22 февраль кунини дам олиш кунини деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Мутасадди идора ва жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайити байрамини жойларда муносиб тарзда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсинлар.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ. Тошкент шаҳри, 2002 йил 15 февраль.

ЛИТВАЛИК МЕҲМОНЛАР ТАШРИФИ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Литва Бош вазири Алгирдас Бразауска раҳбарлигидаги делегация аъзолари 19 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида бўлиб, унинг раиси Эркин Халилов билан учрашди.

Мулоқот чоғида давлатларимиз ўртасидаги алоқалар самарали ривожланиб бораётгани таъкидланди. Ўзаро ишланган ҳужжатлар Ўзбекистон билан Литванинг иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа кўплаб соҳаларда тенг ва манфаатдорликка асосланган ҳамкорлигини янада ривожлантиришга замин бўла олиши қайд этилди.

Учрашувда, шунингдек, икки мамлакат парламентлари ўртасидаги алоқаларни мустақамлаш, ўзаро тажриба алмашишни янада кенгайтириш борасида фикр алмашилди.

Литва республикаси делегацияси шу кунги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида ҳам бўлди. Бу ерда Литва Бош вазири А. Бразаускага университетнинг фахрий доктори унвонини топирилди.

Шунингдек, литвалик меҳмонлар пойтахтимиздаги Хотира майдонида «Мотамсаро ОНА» ҳайкали пойига гул қўйди ҳамда Халқаро бизнес марказини томоша қилди. (ЎЗА).

Вилоят ҳокимлигида ТЕКШИРИШЛАР САМАРАДОРЛИГИ — БОШ МАСАЛА

Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг Тошкент вилояти ҳудудий комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мазкур комиссия аъзолари, назорат идоралари раҳбарлари ва бошқалар иштирок этишди.

Йиғилишнинг вилоят ҳудудий комиссияси раиси, вилоят ҳокими Умнат Мирзақуллов бошқарди.

Комиссия назорат идоралари томонидан хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти текширишларини мувофиқлаштиришнинг 2001 йилги якунлари ва уни тақомиллаштириш масаласини кўриб чиқди. Бу ҳақда мазкур комиссия раисининг ўринбосари, вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғи М.Комилонинг ахбороти тингланди.

Йиғилишда хўжалик субъектлари текширишнинг тартибига солиш, самарадорлигини ошириш, кичик ва ўрта корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятига асосан аралашувларга барҳам бериш борасида муайян ишлар амалга оширилганлиги таъкидланди. Текширишларнинг даврийлиги ва давомийлиги қонун талабларига мувофиқлигини таъминлаш чоралари қўрилди. Сўнгги бир йилда текширишлар икки баравардан зиёд қамалди. Хўжалик субъектларининг ҳар бешинчисидан текшириш ўтказилиб, бу ишга комплекс тус беришга эътибор кескин кучайтирилди. Жами текширишларнинг 92,3 фоизда икки ва ундан ортиқ назорат идораларининг мутахассислари иштирок этганлиги бунинг далилидир.

Шу нарса мамнуният билан кўрсатиб ўтилдики, аудиторлик текширишлари ижобий хулоса берган, солиқ ва бошқа тўловларни ўз муддатига тўлаб бераётган 35та хўжалик субъектида текшириш ўтказилмаган. Бу йўналишда Паркент, Янгийўл ва Зангиота туманлари, Янгийўл ва Ангрэн шаҳарларининг ҳудудий ички комиссиялари айнисига ибратли иш олиб бораётди. Айни пайтда текширишлар самарадорлиғи ортиб бормоқда. Назорат органлари бир қатор корхона ва ташкилотларда молиявий ва

иқтисодий қонун бузилишлари юзасидан давлат бюджетига хисобига 5 миллиард 108 миллион сўмдан зиёд миқдорда маблаг ундирилиши ҳақида қарор қабул қилди. 4897 мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди.

Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, давлат солиқ идоралари, давлат ветеринария назорати, вилоят монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармасининг бу борадаги фаолияти айнисига юқори самара бера бошлади.

Бироқ, комиссия йиғилишида бунинг акси бўлган ҳолатлар кескин танқид қилинди. Чунотчи,тижорат банкларининг вилоят бўлими билан ўтказган 1657 текширишнинг факат 14,2 фоизда муайян камчиликлар аниқланиб, бартафат этилган. Текширишлар самарадорлигининг пастлиги жиҳатидан Тадбиркорбанк, Пахтабанк, Халқ банки, айнисига «ибрат» бўлиши. Шартнома мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш давлат инспекцияси ўтказган жами текширишлар 21,5 фоиз самара берган, холос.

Айрим назорат органлари белгиланган тартибга риоя қилмасдан текшириш ўтказишганлиги йиғилишда қатъий эътироз тугдирди. Бўша ва Тошкент туманлари ёнган ҳавфсизлиги бўлинишларида ҳамон руҳсатсиз текширишларга йўл қўйилмоқда. Бўша туман санитария-эпидемиология маркази, вилоят нефть-газ инспекцияси фаолиятида ҳам шундай нуқсонлар рўй бераётганлиги кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда вилоят ҳудудий комиссиясининг муҳокама қилинган барча масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилиниб, 2002 йилги асосий иш йўналишлари режаси тасдиқланди.

Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида гапирилган эди

Кичик ва ўрта бизнес жадал суръатлар билан ривожланди, унинг ялпи ички маҳсулотдаги салмони 24,5 фоизни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалигида, иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари ва секторларида ислохотларни амалга оширишда ижобий ўзгаришлар юз берди.

УЛАРНИНГ МАНЗИЛИ — ЗАНГИОТА

Яқинда бир тадбиркор танишимни учратиб қолдим. Тағдида ян-янги «Нексиа», кайфияти зўр. Бундан икки йилгана аввал хусусий корхона очаман, деб керакли ҳужжатларни кўтариб, идора-идора қатнаб юрган эди. «Болалигидан уйдобурон эди, эллаб кетибди, қойил» деган фикр ҳаблимдан кечди.

Ишлар юришиб кетди, шундан руҳланиб, бўёғига ҳам югур-югур қилиб юрибман, — дилимдан нима ўй ўтганини хис этгандек, деди у. — Банкдан кредит олдим, ишлаб чиқаришни кенгайтиришман. Ўн марта эшитгандан бир кўртган афзал, дейдилар. Яхшиси, корхонамга бир ўтин, ўзингиз кўрасиз, бафуржа гаплашамиз. Хуллас, ниятлар катта.

Ундаги хуш кайфият, руҳан энгиллик менга ҳам ўтди. Шуқорналар бўлсинки, истиклол, ислохотлар туфайли юртимизда тадбиркорликка кенг йўл очилди. Мулкдорлар синфи шаклланди. Улар давлатимиз иқтисодиётини мустақамлашда баҳоли қудрат хисса қўшмоқдалар. Саховатпеша кишилар мактаб, боғча қуриб бормоқда. Кам таъ-

минланган оилалар, ногиронлар, ёлғиз яшовчи қарияларга нафти тоғмоқда. Бир сўз билан айтганда, буларнинг бари ишбилармонларга ўз имкониятларини ишга солишлари учун яратиб берилган шартлар туфайлидир.

Биргина Зангиота тумани мисолида оладиган бўлсак, 2001 йилнинг 11 ойида 104та кичик ва ўрта бизнес субъектлари рўйхатга олинди. 2210та янги иш ўринлари яратилди. Унинг 1920таси кичик ва ўрта бизнес корхоналаридадир. Шунингдек, 2896 нафар фуқаро яқинда тадбиркорлик билан шуғулланмоқда. Улар сафи 2001 йилда қарийб мингтага кўпайди.

Хусусий корхона эгаси фаолиятини йўлга қўйиши учун зарур маблағга эга бўлмоқ керак. «Савдогарбанк»нинг Зангиота тумани бўлими ўтган

йилнинг ўн бир ойида кичик ва ўрта бизнес субъектларига 283,3 миллион сўмлик кредит ажратди. Ушбу маблағнинг 23,3 миллион сўми яқин тартибда шуғулланувчи тадбиркорларга, 15 миллион сўми деҳқон хўжаликлари, 59,5 миллион сўми фермерларга, 189,7 миллион сўми кичик ва ўрта бизнес корхоналарига тарқатилди. Мазкур кредитларнинг 155,6 миллион сўми банкнинг ўз маблағлари, 127,7 миллион сўми Тошкент вилояти меҳнат бошқармаси маблағлари хисобидан берилди. Натигада кейинги бир йилда туманда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, саноат буюмлари ишлаб чиқариш миқдори сезиларли даражада ошди, ишловчиларнинг моддий манфаатдорлиги кўтарилди.

Лекин, кези келганда шунинг ҳам айтиш керак, бу борада камчилик ва муаммолар ҳам йўқ эмас. Хозирги пайтда туман бўйича 63та кичик ва ўрта бизнес субъек-

(Давоми 2-бетда).

«Тугатилган қишлоқ хўжалик корхоналари негизида ташкил этилган фермер хўжаликлари фаолияти 2002 йил 1 декабрда бўлган муддатда муфассал таҳлил қилиб чиқилсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган ширкатларни мақсадга мувофиқ бўлган жойларда фермер хўжаликлари айланттириш бўйича 2003 йил учун таклифлар киритилсин».

«ТУРОН» ФОЙДАГА КИРДИ

Тўқсонинчи йилларнинг охирига келиб, Бесобод туманидаги «Турон» жамоа хўжалиги иқтисодий инқирозга юз тутди. Икки йиллик санация муддати ҳам хўжаликнинг молиявий аҳволини қайта тиклашга ёрдам беролмади.

Шу муносабат билан республика Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 декабрдаги иқтисодий нозорат хўжаликлари фермер хўжаликлари айланттириш ҳақидаги қарорига мувофиқ «Турон»нинг экин майдонларини фермер хўжаликлари таллов асосида бўлиб беришга қарор қилинди. Ўн олти кишидан иборат махсус комиссия тузилиб, фермер хўжаликларини ташкил этиш режаси ишлаб чиқилди ва туман ҳокимининг 2001 йил 22 январдаги қарори билан тасдиқланди.

Комиссиянинг сатъ-ҳаракати билан хўжаликнинг бор мол-мулки қонунларда белгиланган тартибда хатлаб чиқил-

ди, мавжуд дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аниқланди. Сўнгги фермер хўжалиги ташкил этиш истагини билдириб ариза берган 34 фуқародан танлов жараёнида 14 нафари ғолиб деб топилди, «Турон»нинг жами 36 миллион 647 минг сўмдан кўпроқ кредиторлик қарзлари фермерларга ернинг балл бонитетларига қараб ўртача 2618 минг сўмдан тақсимланди. Шунингдек, хўжаликнинг 466,7 гектар экин майдони ҳам уларга ўртача 33,3 гектардан бўлиб берилди.

Хукумат қарорига мувофиқ фермер хўжаликларига нефть маҳсулотларини вақтида ва қарағича етказиб бериб туриш мақсадида ёнилғи қуйиш

шаҳобчаси очилди. Уларга хизмат кўрсатадиган алоҳида МТП ва мини-банк ташкил этилди. Хар бир фермер хўжалиги мини-банкда ўз хисоб рақамини очди. Шунингдек, хўжаликлараро ариқ-зовурлардан самарали фойдаланиш ва фермерларни сув билан тенг таъминлаш мақсадида «Сувдан фойдаланувчилар ассоциацияси» тузилди.

Эътироф этиш кераки, иқтисодий инқирозга учраган хўжаликларни фермер хўжаликлари айланттириш вилоятимизда биринчи марта амалга оширилган янги тадбир бўлиб, ташкилий жараёнда камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилиши, бир қатор муаммоларнинг юзага чиқиши табиий эди. Шу боис янги ер эгаси бўлган фермерлар бироз кечи-

(Давоми 3-бетда).

ШИРИН ВА Фойдали

Мамлакатимиз корхоналарида «Фан-Дон» илмий-ишлаб чиқариш корхонаси мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган янги технологияни жорий этиш хориждан қанд лавлаг шаклини импорт қилиш ҳажмини анча камайтиради.

Бу ерда Фан ва техника давлат қўмитаси гранти бўйича инновация лойиҳаси амалга ошириш доирасида таркибда шакл бўлган янги озиқ-овқат концентрати — «Асалин» олинди. Этиборли жиҳати шундаки, у биотехнология услуби билан қimmat хомашдан эмас, бошқоқ экинларнинг паст навли унidan олинди. Хозирдаёқ акционерлик жамияти ва Ҳазилент консерв заводида концентратни ишлаб чиқариш бошланди. Тадқиқотлардан маълум бўлишича, уни озиқ-овқат саноатида турли консервланган маҳсулот тайёрлаш

да шакл ўрнида ишлатиш мумкин.

Статистика маълумотларига кўра, республика аҳолисининг шаклга бўлган йиллик эhtiёжи тахминан 600 минг тоннани ташкил этади. Мамлакатимизда ўсимизнинг шакл ишлаб чиқариш саноатининг яратиш ишлари давом этмоқда. Бироқ, бу жараён баъзи қийинчиликларга учрамоқда ва хозирча бу қimmatли маҳсулотга бўлган эhtiёж асосан импорт ҳисобига қондирилмоқда. «Асалин» концентратни тайёрлаш технологияси анча содда ҳамда катта молиявий ва интеллектуал харажатларни талаб этмайди. Шу сабабли

Янги технологиялар

мутахассислар қишлоқ жойларида ўрнатиш мумкин бўлган мини-заводларда ҳам концентратни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни тақлиф этишмоқда. Бундай корхоналарни яратиш қишлоқда кичик ва ўрта бизнес соҳасини ривожлантириш, маҳаллий аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этишга ёрдам беради.

«Асалин» ширин ва мазали бўлиб қолмай, фойдали ҳам. Уни яратувчиларнинг бу гапини Фанлар академиясини эндоқринология институтида ўтказилган синовлар ҳам тасдиқлади. Уларнинг натижаларига кўра, Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Асалин» ҳамда унинг асосида тайёрланган ширин мева ва сабзавот концентратларини қанди диабет билан касалланган одамларга тавсия қилди.

А. ИВАНОВА,
ЎЗА мухбири.



ҳамкорликда қурилган ушбу корхона 630 нафар ёшларни доимий иш ўринлари билан таъминлади.

СУРАТДА: қўшма корхона

нинг илғор ип йиғирувчи **Мақсуда Мўминова** иш устида.

Даврон АХМАД олган сурат.

МЎЛЖАЛ — 3 МИЛЛИОН

Ангрэн қўмир кони жамоаси кейинги йилларда ёқилги қазиб чиқариш ҳажмини мунтазам ошириб бормоқда. Ишлаб чиқариш

мақсадда амалга оширилган техникавий тадбирлар, мавжуд қончилик асбоб-ускуналари қувватидан фойдаланишни яхшилаш шахтёрлар меҳнати кўрсат

кичларининг ортисида олиб келмоқда. Шу тўғрйли ҳам улар ўтган йилни муваффақиятли яқунлади. Халқ ҳўжалигининг турли тармоқлари эhtiёж

лари учун ёқилги етказиб беришда салмоқли натижаларга эришдилар. Қўмир қазиб чиқариш ҳажмининг ўсиши олдинги йилдагига қараганда, 113 фоизни ташкил этди. Буортмачиларга 2 миллион 950 минг тоннадан ортиқ ёқилги жўнатилди.

Жамоа жорий йилни ҳам дуруст бошлади. Қишнинг қийин шароитларида ҳам бир маромада ишлаб, январь ойи топириги 100,9 фоиз қилиб бажарилиди. Қончилар йил давомида ками билан 3 миллион тонна қўмир қазиб чиқариш ниятидalar.

ЎЗ мухбири.

Қўшма корхоналарда

«Чиноздон» акционерлик жамияти қoшида ташкил этилган «Ўқут» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси мана бир неча йилдирки, аҳолини сифатли ун маҳсулотлари билан таъминлаб келаяпти.

Корхона жамоаси 2001 йилни меҳнатда ахши кўрсаткичлар билан яқунлади. Чунончи, 19 миллион 910 минг сўм соф фойда олинди. Бу олдинги йилдагига нисбатан 265 фоиз кўпдир. Шу давр мобайнида 694 миллион сўмлик маҳсулот истеъмолчиларга етказиб берилди.

Жамоа нафақат Чиноз тумани, айни вақтда Қўйичирчиқ, Оққўрғон, қисман Янгийўл каби қўшни туманлар аҳолисининг ҳам унга бўлган эhtiёжларини қондиришга ҳисса қўшмоқда.

Чет эл технологияси асосида жиҳозланган қўшма корхонада кунига 30-35 тонна ун ишлаб чиқарилапти. Ҳозир жамоада 70 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Уртача маош 20 минг сўмни ташкил этапти. Бундан ташқари ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий муҳофазасига ҳам алоҳида эhtiбор берилмоқда. Кам таъминланган oilаларга имкон қадар моддий ёрдам кўрсатилаяпти.

Корхонада даромаднинг ошиши турли хайрли ишларда қатнашиш имконини бермоқда. Чунончи, «Гулзоробод» ширкат ҳўжалигига ҳашар йўли билан қурилатган мактаб учун 100 минг сўм маблағ ажратилди.

Корхона жамоаси бу йил истеъмолчиларга 8 минг тонна сифатли ун етказиб беришни мақсад қилиб қўйган. Бу эзгу мақсад йўлидаги ишлар суръати кун сайин ошмоқда.

Ақбар АЛЛАМУРДОВ.

ҚўШНИЛАРГА ХАМ ЕТАДИ

Қimmatли қоғозлар бозори

«АММОФОС» акциялари очик савдода

«Ўзимёсанот» Давлат акционерлик компанияси тизимида саноат иншоотларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни бошлаб юборилди.

Бу муҳим тадбир Вазирлар Маҳкамасининг «2001-2002 йилларда хорижий инвесторларни жалб этган ҳолда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича келгусидиги чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалик тизимида қўлланиладиган фосфорли ўғитнинг етмиш фоизини етказиб бераётган Олмаликдаги «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳам очик акциядорлик жамияти сифатида қайта давлат рўйхатидан ўтди ва акцияларнинг бир қисmini сотувга чиқарди. Давлат мулк қўмитаси ҳўзуридаги Кўчмас мулк ва инвестиция агентлиги ҳўласига кўра корхонанинг Низом жамғармаси 4 миллион 939 миллион 362 минг сўмни ташкил этади. Акцияларнинг 51 фоизи давлат иштиёрида қолади. Қолган 49 фоизи хорижий инвесторлар учун мўлжалланган.

Мулкчиликнинг ушбу шакли корхонамиз ишлаб чиқариш-ҳўжалик фаолиятида мутлақо янги, тезкор ривожланиш даврини бошлаб бериши шўбҳасиз, дейди хусусийлаштириш ва инвестиция бoҳрамаси бошлиғи Абдикул Раҳмонов. «Хорижий шериклар билан иктисодий ҳамкорлик эса мавжуд қувватлардан умумий фойдаланиш, замонавий техника ва технологияни татбиқ этиш орқали юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш имконини беради.

Қоратов фосфоритидан азот-фосфорли минерал ўғит ишлаб чиқарадиган корхонадаги мавжуд қувват

лар йилига 338,1 минг тонна фосфорли ўғит, 500 минг тонна сульфат кислотаси тайёрлаш имкониятига эга. Ишлаб чиқариш жараёни 194,5 гектардан иборат майдонда жойлашган иккита аммофос цехи, унча экстракцион фосфорли кислота цехи ҳамда сульфат кислота цехида амалга оширилади. Бунга кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган бир неча тармоқлар, қўллаб ёрдамчи цехлар ҳамда «Турон-МСИ» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасини ҳам қўйиш мумкин.

Корхона, шунингдек, санитарий-профилактика саройи, Чимён тоғлари бағрида жойлашган болалар соғломлаштириш маскани, меҳмонхона, 40та кўп қаватли уй, 400 ўринли ётоқхона ва бошқа ижтимоий бино ва иншоотларига ҳам эга.

Аммофос, донатор аммоний сульфат-фосфат, моноаммонийфосфат, солифос, сульфат аммоний, шунингдек, ёғоч талайи плита (ДВП), полиэтилен плёнка корхонанинг асосий маҳсулотлари ҳисобланади. Хомашё - фосфорит уни Қозоғистоннинг Қоратов қонидан, аммиак Чирчикдаги «Электромисаноат» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда «Фаргонаазот» акциядорлик жамиятидан келтирилмоқда. Қизилқум фосфорит комбинатининг қуриб ишга туширилиши хомашё таъминотидаги узилышларга чек қўйди. Яқунланган 2001 йилда Олмалик кимёгарлари истеъмолчиларга етказиб берган товар маҳсулот умумий ҳажми 19,3 миллиард сўмни ташкил этди.

Шуни қайд этиш керакки, Олмалик кимёгарлари ишлаб чиқараётган минерал ўғитлар

таркиби қишлоқ ҳўжалик экинлари учун зарур озўқа моддаларига бой бўлиб, улардан дунёнинг турли минтақаларида, ҳар қандай тупроқ-иклим шароитида барча экинлари парваришда кенг фойдаланиш мумкин. Шу боис корхона минерал ўғитларини «Текс-Рейд», «Ферро», «Тексу-на», «Гонг-Конг», «ГВЭТК СУАР ХХР», «Арч Енержи» каби қатор хорижий фирмалар сотиб олиш истагини билдирмоқда. Ўсиб бораётган талабларни қондириш учун эса мавжуд қувватлардан умумий фойдаланиш, бундан ўттиз йил аввал қуриб ишга туширилган корхона асбоб-ускуналарини янгилаш, замонавий технологияни кенг жорий этиш лозим.

Абдикул Раҳмоновнинг айтишича, бугунги кунда корхонани реконструкция қилишнинг 2002-2007 йилларга мўлжалланган дастури, шунга мувофиқ, «Ўзимёсанотлоийиха» илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорликда дастлабки лойиҳа ишлаб чиқилган. Мазкур лойиҳа муваффақиятли амалга оширилса, ҳозирда тўхтаб турган экстракция цехи қайта жиҳозланади, янги аммоний цехи қурилади ва биргина ана шу икки цехнинг ўзида йилига 140 минг тонна юқори сифатли минерал ўғит (моноаммоний) ишлаб чиқариш имкони пайдо бўлади.

Хуллас, мулк шаклини ўзгартирган Олмалик кимёгарларининг режалари умидбахш. Ҳамма гап хусусийлаштириш жараёнини муваффақиятли яқунлаш ва иктисодий ҳамкорлик қилиш истагини билдирётган хорижий шериклар орасидан энг ишончлигини танлаб олишда қолган.

Н. ДУШАЕВ,
ЎЗА мухбири.

МЎЪЖАЗ ҚУЁШ БАТАРЕЯЛАРИ

Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Физика-техника институти олимларининг энергия манбаларидан ҳалқ ҳўжалигида фойдаланиш йўлида олиб бораётган илмий тадқиқотлари самарали бўлмоқда. Бу борадаги изланишлар натижасида қатор янги қурилмалар юзга келди.

Мўъжаз қуёш батареялари яратилди. Бу қурилмалардан жойларда кенг фойдаланилмоқда. Янгийўл туманидаги қишлоқ ҳўжалигини электрлаштириш ва механизациялаш илмий маркази ҳам бундай техникалардан бир

нечтасига эга бўлди. Ўзбекистон Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги бюртмаси билан махсус тайёрлаб берилган шундай батареялар тумандаги чорвачилик ҳўжаликларига ҳам етказиб берилди.

Ақбар АЛИЕВ.

Полимерлар ҳақидаги фан ва уларни ишлаб чиқариш технологиясига оид ўзбек, рус, инглиз тилларидаги беш мингта махсус терминлардан иборат янги луғат «Фан» нашриёти томонидан chop этилди. Унинг муаллифлари — бир гуруҳ таниқли олимлар — С. Рашидова, Т. Усмонов ва Э. Назиров.

Ўзбекистон Фанлар академияси Полимерлар кимёси ва физикаси институтида янги нашрининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда олимлар ва республиканинг иктисолаштирилган олий ўқув юртлари вакиллари иштирок этди.

Бозор муносабатларига йўналтирилган иктисодиётимизни ривожлантириш, биринчи галда, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган. Шу-

Полимерлар ҳақида уч тилдаги луғат

нинг учун Президент Ислам Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли китобида, хусусан, кимё саноатини ривожлантириш ва маҳаллий ҳамда ҳақон бозорида талаб этилаётган янги материалларни яратишга эhtiбор қаратган. Полимерлар кимёси ва физикаси институти бугунги кунда мамлакатимиз фан оламида бу борада мувофиқлаштирувчи ва асосий ишлаб чиқувчилардан бири ҳисобланади. Кейинги пайтда бу ерда қатор бутунлай янги материаллар ва моддалар яратилди. Улардан ишлаб чиқаришда фойдаланиш республика иктисодиётининг саноат тармоқини ривожлантиришга ёрдам беради.

ЎЗА мухбири.

ХўРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилояти филиали Сиз азизлорни 2002 йил 27 март ва 3, 10 апрель кўнлари соат 10.00да ўтказиладиган навбатдаги аукцион ва биржа савдоларига тақлиф этади

Савдога қўйидагилар қўйилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Т. Эрнazarов номли ширкат ҳўжалиги ҳудудида жойлашган «Т. Эрнazarов қишлоқ врачлик амбулаторияси» объекти асосий воситалари.

Бошланғич баҳоси — 550 400 сўм (ер майдони бу баҳога кирмайди).

2. «Нормал» масъулияти чекланган жамиятига қарашли Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳрида жойлашган «Ошҳона» биноси объекти.

Бошланғич баҳоси — 11 321 200 сўм (ер майдони бу баҳога кирмайди).

3. «Регионал геология» акционерлик жамиятига тегишли КАВ3-685 русумли давлат рақами 11 А1 675 бўлган, 1978 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт.

Бошланғич баҳоси — 566 300 сўм.

4. «Регионал геология» акционерлик жамиятига тегишли ПА3-3201 русумли, давлат рақами 11 А1 679 бўлган, 1974 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт.

Бошланғич баҳоси — 811 500 сўм.

5. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, молия бўлимига тегишли ПА3-24 русумли, давлат рақами 05-81 ТШБ бўлган, 1982 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт.

Бошланғич баҳоси — 1 367 206 сўм.

Эслатма: сотиб олувчилар томонидан мулкнинг харид тўловларидан ташқари баҳоланган хизмат ҳақини алоҳида «Хусусийлаштиришга ko'maklashish konsalting markazi» ҳисоб рақамига ҳўжатлар асосида давлат бoжи учун мулк харид қийматиининг бир фоизи миқдоридати маблағ давлат ордерини олиш учун тўланади.

Шунингдек, оввалги савдоларда қўйилган ва сотилмай қолган, бекор қилинган ер майдонлари, автотранспорт воситалари ва бошқа кўчмас мулк объектлари ушбу савдоларда сотилиши мумкин. Биржа савдолари ҳар ҳафтанинг сешанба, жума кўнлари ўтказилади.

Бизнинг манзилимиз: Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси, 17-уй. Вилоят ҳокимияти биносининг ўнг қаноти. Тел: 133-28-52, 133-77-18, факс: 133-43-73.

УЛАРНИНГ МАНЗИЛИ — ЗАНГИОТА

ишга туширилди. Бу борадаги янги ишлардан яна бири тадбиркорлар тайёрлаган маҳсулотларни реклама қилиш ва уларга керакли жиҳозларни топишда кўмаклашишни кўзлаб, туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси қошида кўп қиррали «Мароқанд» ахборот тизими ташкил қилинди. Ҳозирги кунда 150дан зиёд хусусий корхона эгалари ва ишбилармонлар ўзларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва кўрсатиладиган хизматлар хусусида маълумот алмашиш имконига эга бўлмоқдалар.

Туманда ислохотларнинг тобора чуқурлаётгани, тадбиркорларнинг давлатимиз раёнақига муносиб ҳисса қўшаётганини кўйидаги маълумотлардан ҳам билиш мумкин. Ўтган йили бу ерда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларининг 48 фоизи, истеъмол молларининг 64, пуллик хизматининг 61, маиший хизматининг 97 фоизи ўрта ва кичик бизнес корхоналари улушига тўғри келди. 3120 миллион сўмликдан ортиқ қурилиш-пудрат ишларининг қарийб ярми тадбиркорлар томонидан амалга оширилди.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, 2001 йилнинг тўққиз ойида туманда ташки савдо айланмаси 18060 минг АҚШ долларини ташкил этди. 1119 минг АҚШ доллари миқдоридида маҳсулот экспорт қилинди. Унинг 95,3 фоизи кичик ва ўрта бизнес корхоналари улушидир. Хулоса қилиб айтганда, қаерда тадбиркор моддий ва маънавий қўллаб-қувватланса, муаммолари кечиктирилмай ҳал этилса, уша ерда салмоқли ютуқларга эришилave-ради.

Мулкчилик шаклидан қатъий назар, корхона эгасининг биринчи галдаги вазифаси рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш бўлса, иккинчиси уни сотишдир. Чунки, ишлаб чиқарилган буюм савдоси юришиб турса, иш тўхтамайди. Шуни инобатга олиб, зангиоталик тадбиркорлар моддий-техника ресурсларини харид қилишга ёрдамлашиш мақсадида «Вилоятлугўржибиржа-савдо» ҳиссдорлик жамияти томонидан туманда махсус дўкон

ишга туширилди.

Бу борадаги янги ишлардан яна бири тадбиркорлар тайёрлаган маҳсулотларни реклама қилиш ва уларга керакли жиҳозларни топишда кўмаклашишни кўзлаб, туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси қошида кўп қиррали «Мароқанд» ахборот тизими ташкил қилинди. Ҳозирги кунда 150дан зиёд хусусий корхона эгалари ва ишбилармонлар ўзларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва кўрсатиладиган хизматлар хусусида маълумот алмашиш имконига эга бўлмоқдалар.

Туманда ислохотларнинг тобора чуқурлаётгани, тадбиркорларнинг давлатимиз раёнақига муносиб ҳисса қўшаётганини кўйидаги маълумотлардан ҳам билиш мумкин. Ўтган йили бу ерда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларининг 48 фоизи, истеъмол молларининг 64, пуллик хизматининг 61, маиший хизматининг 97 фоизи ўрта ва кичик бизнес корхоналари улушига тўғри келди. 3120 миллион сўмликдан ортиқ қурилиш-пудрат ишларининг қарийб ярми тадбиркорлар томонидан амалга оширилди.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, 2001 йилнинг тўққиз ойида туманда ташки савдо айланмаси 18060 минг АҚШ долларини ташкил этди. 1119 минг АҚШ доллари миқдоридида маҳсулот экспорт қилинди. Унинг 95,3 фоизи кичик ва ўрта бизнес корхоналари улушидир. Хулоса қилиб айтганда, қаерда тадбиркор моддий ва маънавий қўллаб-қувватланса, муаммолари кечиктирилмай ҳал этилса, уша ерда салмоқли ютуқларга эришилave-ради.

Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ислохот

30 ФОИЗ КўПАЯДИ

«Саноатқалинқоғозсавдо» очик турдаги акционерлик бирлашмаси жамоаси ишлаб чиқаришни тинмай тақомиллаштириш йўлидан бормоқда.

Шу мақсадда қатор хориқлик фирмалар билан иктисодий ҳамкорлиқни кучайтириш, уларнинг ёрдами билан илгор технологияларни жорий қилиш тўғрйли маҳсулот тайёрлаш ҳажмини тобора оширмоқда. Ўтган йили ҳам бу соҳада сезиларли натижага эришилди. Жамоа фаолиятининг асосий техник-иктисодий кўрсаткичлари янги поғонага кўтарилди.

Истеъмолчиларга етказиб берилган маҳсулот ҳажми олдинги йилдагига қараганда ўттиз фоиз кўп бўлди. Маҳсулотнинг муҳим турларини ишлаб чиқаришни оширишда янада юқориқор натижалар кўлга киритилди. Чунончи, картон фабрикаси жамоаси тайёрлаган харидорғир маҳсулот ҳажми белгиланганидан кўра деярли 35 фоиз ортиқроқни ташкил этди. Кат-кат қорон маҳсулот режададиган 34 фoиз, тола плиталар тайёрлаш эса топириқдигидан сал кам ўн уч фоиз кўп бўлди.

ИШЧИЛАР СУЛОЛАЛАРИ

Яқинда жамоа ўз корхонаси барпо этилганлигининг ўн уч йиллигини нишонлади.

Шу қисқа муддат ичида бу ерда, қатор ишчи сулоалари тарқиб топди. Шундай сулоалар ҳақида гап кетганда аввало Хожиметовлар oilасини тилга олиларди. Ҳақиқатдан ҳам унинг аъзолари ишлаб чиқаришнинг қайси бўлиминисида ишлашларидан қатъий назар фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Сулола бошлиғи Қаҳҳор Тоирович пенсия ёшида бўлса ҳам ҳамон ёшлардек куч-ғайрат билан ишламоқда. Узининг бу ерда олтирттирган бой иш тажрибасини жамоа сафига қўйилган кишиларга кунт билан ўргатмоқда. Айни вақтда ўз oilаси аъзоларида ҳам бирлашда ишлаш истагини уйғотган. Ҳозирги вақтда унинг икки ўғли, келини ўзи билан бирга ишламоқда.

Корхонада бундай сулоалар йил сайин кўпайиб бормоқда. Акбархонлар сулоласига мансуб ишчи-

хизматчилар ҳам ҳалол меҳнати билан кўпчиликининг ҳўрматини қозонишган. Улар ишлаб чиқаришнинг барча бўлиналари жамоалари сафида ишляпти. Яқинда бу oilа аъзоларидан яна бир нафарини бирлашмага ишга қабул қилишди. Бу билан сулолага тегишли ишчилар sonи ўнгага етди. Низомовлар, Ойхўжаевлар, Нодировлар, Усмоновлар, Ваққосовлар сулоалари ҳам бирлашма жамоасининг меҳнат муваффақиятларига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

ҲОМИЙЛИК КЕНГАЙМОҚДА

Бирлашма жамоаси шаҳарда уюштириладиган мурувват, хайр-эхсон ишлари ва оталик ёрдами кўрсатишга қаратилган савобли ҳаракатда фаол қатнашади.

Ишлаб чиқариш топириқларини мунтазам ортиғи билан бажариб, мўмай даромад қуриш ва фойда олишни кўпайтириш шундай ишларни амалга ошириш имконини бермоқда. Шуни айтиш қийоки, бирлашма шаҳардаги 14-, 28-мактабларга, 10-болалар богчасига узoқ вақтдан бери оталик ёрдами кўрсатмоқда. Уларни таъмирлаш, ўқув куроллари билан таъминлаш ишларида ҳар йили миллион сўмлаб маблағ ажратилмоқда.

Ўтган йили биргина 14-мактаб жамоасига деярли 700 минг сўм моддий ёрдам қўрсатилди. Бу маблағ ўқув юрти биносини, иситиш тармоқларини таъмирлаш ва бошқа шу каби зарур ишларга сар

Беллашув

«БИЗ ТЕМУРИЙ
АВЛОДЛАРИМИЗ»

Юқоричирчиқ туманидаги Янгибозор маданият уйида туман «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, туман тадбиркорлар касба уюшмаси кўмитаси, жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси, 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари таъаббуси билан «Биз Темурий авлодларимиз» шиори остида бокс бўйича халқаро анъанавий турнир бўлиб ўтди. Унда вилоятимизнинг Чирчиқ, Қибрай, Бўстонлиқ, Юқоричирчиқ, Куйичирчиқ, Оҳангарон шаҳар ва туманларидан Тошкент шаҳри ҳамда кўшни Қозғистон Республикасининг Алмати, Чимкент, Тараз, Арис, Қоратов, Арғин каби қўлаб шаҳарларидан келган, 1986-1989 йилларда тузилган 300 нафар ёш боксчилар уч кун давомида ўз вазнлари тоифасида беллашди.

Кизгин баҳслар остида ўтган турнирда 45 нафар ёш боксчи биринчи, 45 нафари иккинчи, 45 нафарига эса фахрли учинчи ўринлар берилди. Ғолиб боксчиларга ҳомиёлар ва таъкилотчилар томонидан қимматбаҳо эсдалик совғалари ҳамда фахрий ёрликлар топширилди.

Латифжон МАНСУРОВ.

ХАВФСИЗЛИК
ДАРСЛИГИ

Республика илмий-техника кутубхонасида мамлакат Халқ таълими вазирлиги, республика таълим маркази, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Фуқаро муҳофазаси институти ҳамкорлигида нашр этилган «Хайт хавфсизлиги асослари» номли китоби тақдироти ўтказилди.

— Ўшбу қўланма Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган «Инсон хавфсизлиги асослари» ўқув дастури асосида тайёрланган, — деди Фуқаро муҳофазаси институтининг ўқитувчиси Заҳро Илбосова. — У умумий ўрта таълим муассасалари 5-9 синфлари ўқитувчилари учун мўлжалланган. Қўланмада малакатимиз ҳудудда юз бериши мумкин бўлган техноген, табиий, экологик фавқулодда вазиятлар ва бундай вазиятлар юз берганда аҳолининг ҳаракати, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш усуллари, соғлом турмуш тарзи асослари каби мавзулар еририлган.

«Туркистон-пресс».

СУРНАЙ НАВОСИ

Анча бўлди, унинг овози эшитилмай қолди. У наво қилганда боллар, тошлар, гиёҳлар, ҳатто одамлар сел бўлиб оқарди.



Овози майин, ширали, дилни қитқилгучи эди. «Қани уста, келин келгунча наводан эшитайлик» деб сўрагучилар бўларди.

Ха, бу — ўйлатгучи, ўйнатгучи сурнай эди. Энди унинг овози анқонинг уруғига айланиб қолди. Давралардан кетди. Нафақат кетди, ўз севимли устасини ҳам йўқотди. Уни чалишга қизиқувчилар, сайратгучилар қолмади ҳисоб. Тўйларда Наво куйи ҳам эшитилмайд.

Унинг ширали овозини ҳеч ким сел бўлиб эшитмайди, йиғламайди ҳам. Унинг ўрнини қулоқни қоматга келтирувчи хориқ асбоблари-ю, ғашга теғувчи мусикалар эгаллаган. Улар йиғлашни, йиғлатишни, овутишни билмайди. Улар куйлашни, ором беришни эллоймайди.

Ана, қўшни қишлоқда келин тушаяпти. «Вой, сурнай

овози келаяпти» деб тилла топиб олгандек қувонамиз, беҳосдан. «Барибир сурнайнинг овози бошқача-да, а!» деб қўямиз.

Худо раҳмат қилгур, Мирзабой бувам ҳам Паркентнинг зўр сурнайчиларидан эди. Болалик чоғларимизда одатий машқ пайтларида уйимиз тўйхонага айланиб кетарди. Кейинчалик бувамнинг хўнарини фарзандлар ўқтам, ўқтир, Ботир, Раҳманлар олишди. Ота касбини улуг деб биларди. Аммо фарзандлар бу касбни узок давом эттира олмадилар. Сабаби, сурнайда барака қолмади. Ҳа-да, чиройини кўрсатган

ойжамолдек электрон чолғу асбоби — орган чикди-ю, миллий чолғу асбобларига ўрин қолмади. Органнинг «сайраб» туриши ёшларни «қитқилаб», ўйинга тортаверган, сурнай овози ёқармиди?!

Ўзбек миллий чолғу асбобларига қизиқиш сусайдики ёки уни маромига етказиб чалувчилар қолмади-ми, билмадим, тўйларимиз сурнай, ногора, доирасиз ўтапти. Бу ҳам майли, қўлида тор, доира тутиб қўшиқ айтувчи санъаткорлар ҳам кўринмай қолишди. Фонограмма ёзилган оддий дискет билан кўнчилиқни алдаб юришибди-да.

Сиз нима дейсиз?

Ёшларимиздан Усмон, Барат, Шароф, Мирзабой, Ҳасан, Абдуҳаким сурнайчиларни сўрасангиз, танимайди ҳам. Унга қизиқиш ва ҳафсала ҳам йўқ. Кейинги вақтларда тўйларимизда сурнай чалинармикин, деган ҳаёлга бормиз. Афсус, акси бўлади.

Бориб-бориб, келажак авлод сурнайни кўриб қолса, бу қанақа ўйинчоқ, деб маломатга қолмасайди. Ана шундан хавотир-даман.

Карнай-сурнай навоси-ю, ногоранинг така-тумини эшитган заҳоти тўй бўлаяпти, деб юғуримиз. Ҳа, тўйнинг белгиси, хабарчиси карнай-сурнай, ногора-ку! Нима дейсиз, азизлар! «Қани уста, сурнай овозини баралла кўйинг», дегувчилар кўп бўлса, қошқийди...

Абдузхур ҚОРАБОВ, журналист.

Ибрат

Раиснинг яхши одати бор. Озроқ бўш вақти бўлса, қишлоқ айланади, одамлар билан суҳбатлашади. Уларнинг туриш-турмушлари, ҳаёт тарзлари билан танишади. У қишлоқ кўчаларидан ўтганда зарур

ҚИЗ
БОЛАНИНГ
БАХТИ

юмушлар билан шугулланаётган, мактабдан ёки ишдан қайтаётган ёш-яланларни кўриб, ўзида йўқ қувонади, булар бизнинг келажакимиз, ворисларимиз. Президентимиз айтганидек, улар биздан кўра бахтли ва фаровон ҳаёт кечиришга ҳақлидирлар. Бунинг учун эса ҳар жиҳатдан билимдон, ўқимшли бўлиб етишишлари, рисоладагидек тарбия кўришлари шарт. Ўғил боланинг-ку, йўриғи бошқачароқ. Лекин қиз бола бировнинг ҳасми. У борган жойида тиниб-тинчиб, бахтли бўлиб кетиши учун энг аввало оилада яхши тарбия олган бўлиши табиий. Лекин, бу борада бошқарувнинг қўмағи, амалий ёрдами тегса қандай яхши. Нега ёш қизларни бир жойга йиғиб, ўқув курси ташкил этиб, уларни турли хил пишиқларнинг тайёрлашга ўргатиш, бичиш-тикишдан сабоқ бериш мумкин эмас? Шундай қилсак, айни муддаодаги иш бўлмайми?

Раиснинг бу мулоҳазаси, таклифи фаолларга ҳам маъқул бўлди.

— Жуда яхши ўйлабсиз, — деб айтишди улар. — Бўлмаса ким устозлик қилиши ҳақида ҳам бир фикрга келаяпти.

Шунда кимдир Гулсун Усмонованинг номзодини айтиб қолди.

— Жуда бообўр, кўп хўнарни биладиган аёл. Пазандаликда эса унинг олдига тушадигани кам.

— Маъқул, — деди раис сўнгга аёлнинг ўзини қақриб, таклифни айтиди. У бажонидил рози бўлди. Шундан сўнг ҳўжаликда қизлар сабоқ оладиган уч ойлик ўқув курси ташкил этилганлиги эълон қилинди. Буни қарангки, талаботлар кўп экан. Гулсун опанинг ўзи улар билан суҳбатлашиб, иштиёқмандларини таллаб олди. Бошқарув ўқувни ташкил этиш учун хона ажратди, зарур ўқув қуроллари билан таъминлади. Шундан сўнг машғулотлар қизгин бошланиб кетди.

— Мен, — деди Тошкент туманидаги Оқунбобоев номли ширкат ҳўжалиги раиси Искандар Фозиллов, — кўни кеча машғулотларда қатнашиб, қизлар томонидан тайёрланган турли хил пишиқларни кўриб, уларнинг маҳоратига қўйил қолдим. Айтишларича, бундай махсуслотларни тайёрлаб беришлари учун бюртмалар ҳам тушайтган эмиш. Келгусида турли хил маросимлар, тўй-томашлар ўтказилганда қизларимиз баҳоли-қудрат хизмат қилиб, кўпчилиқнинг хўрматига сазовор бўлишига ишонамиз.

Дарҳақиқат, қиз бола бахтининг мукамаллиги фақатгина унинг қириш-туриширо чиройи, кийиниши, пардоз-андозиде эмас. Ундаги тарбия бекалик юмушларини бекаму кўст эгаллаб олишилик билан ўйрилган бўлиши керак. Шундагина қиз бола бир жойга борганида бахтли бўлади.

Шу маънода оладиган бўлсак бошқарувнинг амалга ошираётган тадбири чиндан ҳам ибратлидир.

Носир РИХСИЕВ.

«БОРСА КЕЛМАС»
ОРОЛ

Африкадаги Рудолф қўлида Жанубий деб номланган орол бор. Унинг вулкон қолдиқлари бўлган баҳайбат харсанглари даҳшати манзара кўринишида бўлиб, ўн беш квадрат мил майдонни эгаллайди. Бу қуруқлик парчасини жўрғи харишлариде шундай деб аташган. Шу атрофда яшовчи эмомо ва туркана қабилалари эса, уни Энвектенет, яъни «Борса келмас» дейдилар. Бу тариф жуда ўринлидир, чўки оролга борган кишиларнинг ҳаммаси домдараксиз ғойиб бўлишган.

Англия геологлар экспедициясининг икки нафар аъзоси оролни тадқиқот қилиш мақсадида унга таширф буюришди-ю, белгиланган муддатда қайтиб келишмади. Инглизлар бир неча қайиқлар, ўнлаб маҳаллий кишиларни сафарбар қилиб оролдаги барча ғорлар ва ёриқларни текшириб чиқдилар, лекин уларни топишолмади.

Орадан беш йил ўтган, оролга эмомо қабиласининг бир қанча оиласи ҳам кўчиб келди. Бир неча кундан кейин тунгити гулханлар ёқилмай қолди. Оролга қайиқларда борган қабиладорлар фақат қимасиз қулбалар, рўзгор буюмларини кўрдилар, одамлар ғойиб бўлишганми. Олти йилдан кейин, уч нафар америкалик, оғоҳлантиришга қарамай, Рудолф қўлига балиқ тутишга бориб, Борса келмас оролида туришга аҳд қилишди. Бир ҳафтадан сўнг уларни олиб келиш учун оролга келган ўнучи икки хўн орол устида учиб юрди, лекин хувиллаб ётган чодир ва ёввойи энкилардан ташқари ҳеч нарса тополмади.

Жозибодор бу орол шундай ёмон ном ортирган. Шўнинг учун ҳам бу ерга келишдан ҳамма қўчийди.

1500 ТИЛДА ГАПЛАШАДИГАН

КИТБА

«Қора китба» — Африкада ҳозирча ўз ёзувиға эға бўлмаган кўп сонли қабилалар сўзлашадиган сел кам 1500 тил мавжуддир. Уларнинг айримлари, масалан, санго тилида ҳамма-си бўлиб миллион киши гапиришса, бошқаларида бор йўғи юзлаб кишилар тиллашади. Агар қабиланинг сўнгги вакили оламдан кўз юмса унинг тили ҳам, у билан бирға эртақлар, ривоятлари, афсоналари ҳам йўқолиб кетади. Айрим тиллар жуда ҳам камбағал бўлиб, умуман ривожланмаган.

Африкада қабилалар тили ёзувини яратиш бўйича тажрибалир ўтказилмоқда, лекин бу жараён қийин кечаяпти. Шўнга қарамай тиллар атласи яратилди, унда қатор китба мамлакатларида ишлатиладиган юзлаб тиллар рўйхатға олинди.

Ўзингизни синанг

ВЕНГЕРВОРД

Е	Р	У	И	Н	А	С	Г	Н	А	С	Е	Н	Т	В	И	Н
П	Е	Н	Т	И	Л	У	Р	Е	Д	А	Р	И	К	Н	Е	С
Р	Г	У	Ч	И	Р	И	Н	А	М	Е	О	А	Т	А	Т	А
А	Б	У	Г	В	А	Й	М	А	О	Б	А	Г	Қ	В	Е	А
Л	О	Я	В	К	Э	Я	М	А	Т	Б	М	Ш	Ў	А	Г	М
И	В	И	А	Д	Я	И	А	В	З	Е	А	Д	А	Г	Л	А
У	М	А	Р	О	Р	Л	Й	Д	И	Л	Ш	А	Е	Р	А	Б
Л	Б	А	Г	В	И	К	А	Т	А	Т	Н	А	Н	А	А	А
О	И	Г	А	Й	А	З	А	Д	Л	А	К	А	А	Д	И	Г
К	Я	С	Й	Б	Р	А	В	И	Н	Д	У	М	А	Т	А	А
Т	Н	Е	А	Н	А	Н	Е	А	И	Г	К	А	Р	А	О	А
К	И	Н	Е	С	А	Е	З	Л	Р	Т	Н	И	Р	А	О	Р
Б	Т	Т	Л	Ю	Н	С	У	А	В	А	Б	Г	А	С	Л	Л
А	С	В	А	С	Т	И	Г	У	М	Р	А	У	А	М	А	А
Р	С	Е	Н	И	Я	К	А	К	Е	Б	У	Д	А	И	Р	А
Б	О	В	И	С	Н	И	И	С	А	К	И	Р	А	Н	Г	А
А	Д	Д	О	М	И	А	К	К	О	С	Т	А	П	И	Т	И


Ўшбу венгервордда Америка қитъасининг 36та давлатлари номи яширинган. Уларни топа оласизми?

Тузувчи: Ақромжон ХЎЖАМОВ.

Ўзбек Миллий академик драма театрида «2001 йилнинг энг яхши мактаби» анъанавий республика кўрик-танлови якунланди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, «Таълим тўғрисида»-ги қонуни ҳамда янги педагогик технологияларни ҳаётга ижтимоий қўллашда фаоллик кўрсатётган мактаб жамоаларини аниқлаш мақсадида ўтказилган ўшбу танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 14 та мактаб жамоаси иштирок этди.

Беллашувда қатнашган мактаб жамоалари учун ўқувчиларнинг дарслиқлар билан

2001 ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ
МАКТАБИ

Тошкент шаҳрининг Юнусов туманидаги 17-мактаб «2001 йилнинг энг яхши мактаби» деб топилди.

Назозат УСМОНОВА,

ЎЗА мухбири.

Кўргазма

ган турли санъат кўргазмаларида фаол иштирок этиб келмоқда. 2001 йилда эса дастлаб Тошкентда, сўнг Япониянинг Осака шаҳрида устанинг шахсий кўргазмаси очилди.

— Мақсадим гўзаллик яратиш, — дейди у. — Оддий лойғаш шакл бериб, одамлар кўзини қувватладиган санъат асарига айлантира олиш бахти ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Келажакда эса деярли нуқтиили кетган услубларда асарлар яратишни режалаштирганман.

«Туркистон-пресс».

ЛОЙДАН ЯРАЛГАН МЎЪЖИЗА

Тошкентдаги замонавий санъат марказида устоз Алишер Раҳимовнинг шахсий кўргазмаси очилди. Унда ижодкорнинг Туркистон ҳудудиде қарий икки минг йил давомида қулоқчилик соҳасида юзга келган турли услубларда ишланган санъат асарлари намойиш этилди.

— Алишер Раҳимовлар сулоласининг бешинчи авлоди ҳисобланади, — деди санъатшунос олим Анвар Раҳимов. — У қулоқчилик соҳасидаги дастлабки сабоқларини отаси Акбар Раҳимовдан ўрганган. Ўзбек қулоқчилик санъатини эса унинг ёрқин намойишдалари

ри бўлган Мухит ва Акбар Раҳимовлар ижодисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бугун уларнинг ишини Алишер Раҳимов муносиб тарзда давом эттиряпти.

— Ижодкор 1990 йилдан бери республика ва халқаро микёсларда ташкил этилаёт-

Роҳила опа эрта турмушга чиқди. Совчилари кўп эди. Уни кўрган киши яна бир қўришни орзуларди. Ҳар томонлама келишган, оппоқ юзи, қол-қора кўзқошлари, сочини айтмаса ҳам бўлади, товонига тушарди.

Тақдир экан, маҳалланинг бошида яшайдиган Уйғун исмли йигитга узатилди. Келин бўлиб тушганига ярим йил ҳам бўлмай, уйдагиларга ёқмай қолди. Турмушдоши Уйғун ҳам тескари тўнини кийиб олди:

— Кет, агар кетмасанг, отиб ташлайман, — дея уйдан ов милтиғини олиб чиқди.

Бечора Роҳила ўз гуноҳини дурустроқ англамай, уйдан чиқиб кетди. Орадан ўн кун ўтмай, юқларини элтиб ташлашди. Роҳиланинг чиройи ўзига душман бўлди. Чўки ўғил отадан, ота ўғилдан рашқ қилишибди...

Роҳила ота-онанинг уйида ўғиллик бўлди. Унга яхши ният билан Ғолибжон деб исм қўйди. Чикқан қиз чигиркидан нари, деганларидек, ҳар кимдан туртки эшитиб, не қийинчиликлар билан Ғолибжонни оёққа турғазди.

Отаси Уйғунжон ҳатто боласига алимент ҳам тўламади. Боласи бир ёшга тўлар-тўлмас ишга чиқиб кетган бева аёлга яна совчилар кела бошлади. Уйдагилар маслаҳатлашиб уни яна бир хотини ўлиб, бир фарзанд билан қолган йигитга узатишди. Ғолибжонни ўғай ота чиқиштирмади. У ҳам майли, Роҳилани бировлардан қизганадиган одат чиқарди.

Иккинчи эр ҳам ўғай ўғлини чиқиштирмагани камлик қилганидек, аёл кишини уриб, тепкилаб, хўрлашлари жонига теғди.

Роҳиланинг иккинчи фарзанди — Алишержон ҳам ота-онаникидада туғилди. Қатор-қатор ака-кенойиллар, жиянлар ўртасида унинг икки фарзандига кун йўқ эди. Энди нима қилсин, бировнинг уйига ижарага қилишсини, унда икки болани қандай боқайди? Уйлаб-ўйлаб яна турмуш кўрди. Учунчииси Роҳиланинг икки боласини ҳам ўз фарзандлари қаторида ўқитмас, яхшилик билан яшашаётган

Турмуш чорраҳаларида

ёрдами тегар», деб ўйлаб хато қилган экан. Бўлмаса, ўғлини уйлантириш вақтида тўй кўни белгиланиб, харажатлар бўлиб олинаятган кўни ота ўзини четга олиб қочармиди. Лекин, тўй кўни тўйбоши бўлиб юрди.

Ота яна ўғлини алдади, онасидадан бездирди. Бировнинг уйига кўчиртириб олиб чиқиб кетди. Бир-икки йилдан кейин ҳовли олиб бераман, деб ишонтирди.

Бечора она барибир ўғлига ёмонлик

қатнаёпти. Улар ҳалигача бировнинг уйида ижарада ўтиришибди. Лекин, бирор марта «онам борми?», — демади.

— Кўни кеча келиним неварамни шифокор кўригига олиб чиққан экан. Неварамнинг ўзи олдимга кириб қолди. Шунда мен ундан сўрадим:

— Бобуржон, мен сенга ким бўламан?

— Сиз Алишер акамнинг бувиляри бўласиз, — дейди. Алишер менинг иккинчи ўғлим-ку. — Уйга бориб роса қисилдим, — дейди она ўқсиниб.

ОНАНГ
КЕРАКМАСМИ,
ЎҒЛИМ?!

Ҳа, Ғолибжон инсофли бўлганида эди, укасига маслаҳат қиларди. «Укаҳон, мен адашиб, чиқиб кетибман, сен онами ва синглимини хафа қилмагин, мендек адашмагин», дерди.

Она барибир она-да. Бир кўни Роҳила опа неварасининг туғилган кўнида совға-салом қилиб бердириб юборди. Раҳмат дейиш ўрнига «Онаимиз бизнинг турмушимизни кўролмайди, биз улар билан борди-келди қилмаймиз», дея совгани ҳам қайтариб юборибди.

Роҳила опа ҳеч бўлмаса набираси бувиси бор эканлигини билишини, ўғли ҳам бир кўни инсофманд, деди. Ҳафсаласи пир бўлган она барибир ўғлига инсоф тилади.

Орадан йиллар ўтди. Ғолибжоннинг ўғли мактабга

Бекажон

ОРАСТАЛИК
ТАВСИЯЛАРИ

- Агар кийимингизга ёғ томган бўлса, доғ устига доқа ёки қоғоз қўйиб, қизган дазмонни ёнглиғида юргизасиз. Шундан кейин ҳам доғ кетмаса, бу усул қайта-қайта такрорланади.
- Сирка ва лимон суви доғлари матонинг тусини ўзгартириб юборади. Бундай доғлар совунли кўпик ёки сув аралаштирилган нашатир спирти билан тозаланади. Тўқ тусли мовутлардаги мой доғларни эса, нашатир спирти билан тозалаб, илпқ сувда чайинг.

Матлуба МАҲМУДУЖАЕВА тайёрлади.

Қибрай тумани «Tasviriy oyna» иходий уюшмасининг йўқолган

ДУМАЛОК МУХРИ ВА БУРЧАК ШТАМПИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент вилояти Қибрай туманидаги Ойбек ноили иккинчи умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2001 йилда Ойбек Бегматович Мамаев номига берилган О'Р'А № 1137034 рақамли шаходатнома йўқолганини сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.</